

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕЪЁРЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Холмирзаев Элёрбек Рафиқович

вилоят хокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш
ва маънавий -маърифий ишлар бўйича котибият мудири

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг эзгу мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Бугун дунёда ёшлар мисли кўрилмаган даражада кўпчиликни — 2 миллиарддан зиёдни ташкил қилмоқда. Бу инсоният тарихида ёшлар сонининг энг юқори кўрсаткичидир. Жаҳондаги ёшларнинг қарийб 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади ва улар аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этади. Ёшлар — инновациялар, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи. Бугунги кунда ёшлар фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим, зеро, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Шу боис, айнан ёш авлод зиммасига ёрқин келажак барпо этиш вазифаси ишониб топширилган. Халқаро ҳамжамият ҳар қандай мамлакат тараққиётида соғлом ва баркамол, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлар ўта муҳим ўрин тутишини алоҳида эътироф этади. Хусусан, **БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш** “тинчлик, фаол иқтисодий ривожланиш, ижтимоий адолат, бағрикенгликни таъминлаш — буларнинг барчаси ва яна кўп нарсалар ёшлар имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ” эканини таъкидлайди.

Ёшларга оид давлат сиёсати давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳозирги глобаллашув асрида ёшларнинг дунёқараши, фикри кун сайин ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда ёшларни ҳайратлантириш, уларнинг кўнглидан чуқур жой оладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳам қийинлашиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдаланиши, дунёда рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан тез хабардор бўлиши билан ҳам изоҳланади. Шу сабаб, ҳозирда ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар, метод ва услублардан



фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, 2018 йил Ёшлар иттифоқи томонидан ҳаётга тадбиқ этилган “MODUL 5” лойиҳаси фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу лойиҳада юртимиздаги муваффақиятли, ўз ишининг устаси бўлган ҳамда ҳаётида қатор ютуқларга эришган йигит-қизлар маҳорат маърузалари билан иштирок этиб, ёшлар билан ўз тажрибаларини бўлишадилар. Бундан кўзланган асосий мақсад – ёшларни руҳлантириш, янги мақсадлар сари илҳомлантириш.

Сўнгги йилларда биргина ёшлар масалаларига доир БМТ доирасида 10 дан ортиқ халқаро ҳужжат қабул қилинди. БМТ Бош Ассамблеясининг **Жаҳон ёшларига тегишли Ҳаракат дастурида** (1995 йил) ёшлар ҳаётини яхшилаш борасида миллий ҳаракатлар ва халқаро қўллаб-қувватлашга оид сиёсат асослари ҳамда амалий тавсиялар белгиланди. Ҳаракат дастури ёшлар билан боғлиқ ўн бешта устувор йўналишни қамраб олган бўлиб, уларнинг ҳар бири амалий ҳаракатлар бўйича аниқ таклифларни ўз ичига олган. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, пандемия даврида мактаблар, олий ўқув юртли ва касб-хунарга ўқитиш марказлари ёпилиши сабабли ўқиётган ёки таълим олишни иш билан бирга олиб бораётган ёшларнинг 70 фоиздан ортиғи маънавий ва моддий йўқотишларга дуч келди. Ҳозирда ёшлар дуч келадиган муаммолар шу даражада кўп қирралики, уларни ижобий ечишда давлатлар ва халқаро ҳамжамиятдан ҳар томонлама қатъий ҳаракатлар талаб этилмоқда.

Мутахассислар фикрича, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш **механизмининг** қуйидаги асосий блоклари мавжуд:

1. Дастурий механизм: умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий дастурлар.
2. Ахборот механизми: статистик маълумотлар, ёшлар муаммоларига оид социологик ва мониторинг тадқиқотлари натижаларини жамлаш, умумлаштириш, хулосалар бериш, оммавий ахборот воситалари кўмагида ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилиш.
3. Ташкилий механизм: ёшларга оид давлат сиёсатини ташкил этиш ва бош қаришнинг вертикал ва горизонтал, яъни ижроия ҳокимияти, шу жумладан, маъмурий органлар фаолиятини йўналтириш.
4. Сиёсий механизм: қонун чиқарувчи орган томонидан ёшларга оид қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, такомиллаштириб бориш.



5. Иқтисодий механизм: ёшларга оид давлат сиёсатини молиялаштириш тизими, шу жумладан, бюджетдан ташқари молиялаш.

Ёшларга оид давлат сиёсати объектлари:

- болалар, 18 ёшгача бўлганлар;
- ёшлар, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар;
- ёш оила, эр ёки хотиннинг бири (ёки иккаласи) 30 ёшга тўлмаган оилалар

Ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш структуравий жиҳатдан фарқ қилса-да, аксарият мамлакатларнинг ёшлар сиёсатида умумийлик мавжуд. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- таълим, касбга тайёрлаш ва бандлик;
- соғлиқни сақлаш;
- ижтимоий ҳимоя;
- ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- маънавий-маърифий, маданий тарбия;
- ювенал ҳуқуқ;
- ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Бугун Ўзбекистон муҳим деографик чегарада турибди. 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Буни республика учун ўзига хос қимматбаҳо “демографик дивиденд”, деб аташимиз мумкин. Кейинги йигирма йил ичида бугунги болалар ва ёшлар Ўзбекистон тарихидаги энг катта ишчи кучига айланади. Демакки, ёшларни ривожлантиришга сармоя тўғри сарфланса, айнан шу йигит-қизлар Ўзбекистонни янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига олиб чиқадиган авлод бўлиб шаклланади. Халқаро эътирофларга кўра, янги Ўзбекистон ёшлари жамиятни ўзгартиришнинг фаол субъекти ва модернизация жараёнлари учун муҳим манба, шунингдек, иқтисодий ўсиш, авлодлар фаровонлигини таъминлаш йўлида бебаҳо инсон ресурсидир. Бугун мамлакатда ёшларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ёшлик — бу жўшқинлик, энг сермахсул ижодкорлик даври. Шу билан бирга, ушбу даврда ўғил ва қизлар нисбатан заиф бўлиб, қўллаб-қувватлашга, катталар диққат-эътиборига муҳтож. Халқаро миқёсда ёшлар муаммоларига эътибор қаратиш заруратига ҳам шу омиллар сабабдир. Буюк немис файласуфи Гёте шундай деган: “Гарчи бутун дунё олға ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, ёшлар бу жараённи ҳар сафар янгидан бошлаши керак”. БМТ



доирасида ва ушбу ташкилотдан ташқарида ҳам ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи тобора кўпроқ муҳокама марказида бўлиб келмоқда ва глобал ривожланиш даврида ушбу масалада бир неча қадам олдинга ташлаш тақозо этилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида қатор муҳим вазифалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди. Концепцияда ҳал этишга қаратилган асосий вазифалар қаторидан жисмонан соғлом, маънан ривожланган йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ислохотларга фаол жалб этиш масалалари ўрин олган.

Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари, ёшлар сиёсатини баҳолашнинг миллий кўрсаткичи ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, энг муҳим вазифани ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда: бу — ёшлар бандлигини таъминлаш, уюлмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш, муносиб даромад олиши учун зарур шарт-шароитлар энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ёшлар тарбияси муаммолари деярли барча мамлакатлар учун умумий масаладир. Ёшлар тарбияси мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида шундай деди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади. Бизнинг назаримизда, мазкур



хужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак”[7]¹.

Ҳаммамизга маълумки, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция бир овоздан қабул қилинди. Биз ана шу икки омил ёшлар тарбияси масалаларига бевосита боғлиқ бўлгани учун уларни айтиб ўтмоқдамиз. Албатта, жаҳон ёшлари фаолияти ва ижоди тўғрисида кўплаб ижобий мисоллар келтириш мумкин: фан ва техника, ижод, санъат ва спортнинг барча турлари бўйича ёшлар томонидан қўлга киритилаётган натижалар, албатта, инсонни қувонтиради. Ушбу ижобий ҳолатлар ва воқеликлар бизнинг ёш давлатимиз ёшлари орасида ҳам содир бўлаётганини мамнуният билан қайд этишга тўла ҳақлимиз. Мамлакатимизда ёшлар жамиятда ўз ўрнини топишида уларни жисмонан бақувват ва ақлан баркамол қилиб тарбиялаш, турли хавф-хатарлардан асрашда жамоатчилик назоратига эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган маърузасида ёшлар тарбияси масаласига тўхталиб, қуйидаги фикрларни илгари сурди: “Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига кулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.”²[8] Бундан кўринадики, ёшларнинг ижтимоий фаоллик позициясини оширишда уларнинг таълим-тарбиясига аҳамият қаратмоқ лозим.

¹ 2018 йил 12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқидан

² Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган нутқидан



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида асосий эътиборни дунёда тобора ёйилиб бораётган диний экстремизм ва терроризмга қаратди. Бу балога қарши курашда жаҳон ҳамжамиятини “Жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш борасида бирлашишга чақирдилар. Дунё аҳлига бу вабога қарши курашишнинг энг тўғри йўли-сабаб билан курашиш йўли кўрсатиб берилди. Давлат раҳбарлари эътибори жаҳолатни боқаётган, болалатаётган илдизларга қаратилди. Президентимиз халқаро терроризм ва экстремизм балосининг маънавий, мафкуравий сабабларини кўрсатиб бериб: “Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”[10]³, -деди. Бу ҳақда педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуроновнинг 2017 йил 23-сентябрда “Маърифат” газетасининг 7-сонида чоп этилган “Глобал даъват” деб номланган мақоласида куйидаги фикрлар билдирилган: “Тўғриси айтиш керакки, ҳозир диний экстремист ва террорист тўдаларга қарши кураш деганда телевизор, интернетда танк, авиация, автомат, дронлар билан бўлаётган уруш манзараларини кўряпмиз. Лекин, афсуски, булар оқибат билан курашиш полигонлари. Зеро, жоҳил, мурасасиз, ёш йигит ё қиз эгнига диний экстремист, террорист либосини кийиб, қўлига қурол олган. Бу-оқибат. Уни тўхтатишнинг яхши(маърифат, тарбия) воситалари, имкониятлари ўз вақтида ишлатилмаган. Вақт бой берилган”[131]⁴ деб кўрсатиб бердилар. Президентимиз сессияда “сайёрамизнинг эртаси ёшларимиз қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқ”, деган масалани қатъий қилиб қўйди. Бу бир қараганда тушунарлидек, аммо айримлар томонидан “биздан узоқда-ку”, деган лоқайдлик туфайли амал қилинмай келинаётган маънавий маъсулият эди. Уларга муаммонинг ечими ўз кўлларимизда эканлиги уқтирилиб, ёшларни диний экстремизм ва терроризмга олиб бораётган сабаб-илдизларни йўқотиш ташаббуси ўртага ташланди. Бунинг учун бир олам орзу-ҳавас билан яшаётган, билаги кучга

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан

⁴ М.Қуроновнинг 2017 йил 23-сентябрда “Маърифат” газетасининг 7-сонида чоп этилган “Глобал даъват” деб номланган мақоласидан.



тўла ёшлар билан самимий гаплашиб, ўз салоҳиятини ишга солиши учун шароит яратиб бериш керак.[131]

Демакки, бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ёшларнинг таълим -тарбиясига боғлиқ экан, биз тадқиқотимиз доирасида буюк аجدодларимизнинг ёшлар тарбияси борасида қолдирган меъроси ҳақида сўз юритамиз. Зеро, аждодларимизнинг тарбия соҳасидаги бой маънавий мероси бугунги ёшларга оид давлат сиёсатига доир чиқарилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг негизини ташкил этади. Бугунги кунда ёшлар ўртасида куйидаги икки ҳолатни кузатиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшлар тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим.

Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар:

“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ”.

Ёшларни онгу қалбини эгаллашга қаратилган таҳдидли ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтирадиган турли хавф-хатарлар ҳамда уларни олдини олиш муаммоси буюк аждодларимизнинг илмига доир факт ва ҳулосаларида ўз аксини топган. Ёшлар тарбиясида турли хил таҳдидларни юзага келтирадиган манбаларни илдиз отмасдан уни олдини олиш, унга нисбатан доимо огоҳ, хушёр бўлиш, ғофилликка йўл қўймаслик ҳақидаги фикрлар аллома аждодларимизнинг сиёсий тафаккурдан кенг ўрин олган муҳим жиҳатлардир.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”[7]⁵,— деган сўзлари ҳам бугунги кунда бу масала нақадар аҳамиятли эканлигини билдиради.

⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган нутқи. 2016 йил 7 декабрь.

